

ТОШКЕНТ ШАҲАР
МАҲАЛЛАЛАР
ИШНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ
КЕНГАШИНИНГ
РЎЗНОМАСИ.
Ҳар ойда икки марта
чиқади.
«Тошкент оқшоми»
нашри.

Маҳалладош

1991 йил, 11 июль.
№ 13 (49).

Бу ҳақда сессияда гапирилган эди

«МАҲАЛЛА» ДАСТУРИ МУҲОКАМАСИ

МАЪЛУМКИ, Тошкент шаҳар Кенгашининг олтинчи сессиясида «Маҳалла» дастурининг бажарилиши ҳам муҳокама қилинган эди. Сессияда пойтахт маҳаллаларида тулланиб қолган муаммолар, жумладан, аҳолини кўпдан бери қийнаб келаётган канализация, сув таъминоти, кўчаларни асфальтлаш ва ёриткичлар билан таъминлаш масалалари ўртага ташланди. Сўзга чиққан депутатлар бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида куюнчаклик билан гапирдилар. Шу кунларда сессияда кўтарилган долзарб вазифаларни ҳал этиш учун жойларда тadbирлар ишлаб чиқилмоқда.

Шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасининг биносида маҳалла кўмиталари раисларининг давра суҳбати ўтказилди. Унда Ленин, Собир Раҳимов, Октябрь, Ҳамза, Акмал Икромов, Киров, Чилонзор районларидаги маҳаллалардан вакиллар иштирок этишди. Йирилганлар «Маҳалла» дастури ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириши, бу ҳужжатни қайта кўриб чиқиш ва баъзи бандларига ўзгартишлар киритишга келишиб олдилар.

Давра суҳбати кўтаринки руҳда ўтди. Унда қатнашган ўртоқлар пойтахт ҳудудларидаги камчиликларни рўй-рост очиб ташладилар. Айниқса, маҳалла, уй кўмиталари ва жамоатчилик билан ишлаш комиссиясининг раиси Ш. Темуров, Октябрь район маҳаллалар ишлари мувофиқлаштириш кенгашининг раиси, «Олмазор» маҳалла кўмитасининг раиси Е. Обидов, Ҳамза район маҳаллалар ишлари мувофиқлаштириш кенгашининг раиси Н. Ҳасановлар куюнчаклик билан гапирди. Ҳал этилмаётган кўплаб ижтимоий муаммолар тилга олинди.

Муҳиддин БОЗОРОВ.

Бир ташаббус изидан

ТАҲСИНГА САЗОВОР

Рўзномада Ҳамза район маҳалла кўмиталарининг тўй ва маъракалари ихчам, камтарона ўтказиш ҳақидаги ташаббуси ёритилган эди. Хўш, ҳамзаликларнинг ўзлари бу даяватга қандай амал қилишмоқда! Кўйида ана шу ҳақда фикр юритилади.

ХАЛҚИМИЗ умр бўйи тўй қилишга орзуман. Боболар, момолар дуога қўл очганларида «Тўйдан бошларингиз чиқмасин» деб, юзларига фотиха тортишларининг бониси ҳам шундан бўлса керак. Лекин тўйжон халқимизга маросимларни ўтказишнинг ўзи бўлмапти.

Мана икки ой бўлдики, районимиздаги маҳалла кўмиталари раислари, тўй ва маросимларни ўтказиш комиссиялари, фаоллар атрофида фикр алмашиб, тўйларни элбоп, ихчам ҳамда камтарона ўтказишга эришмоқдалар. Келинг яхши жамоа сардорларига мурожаат қилайлик.

— Биринчидан, — деди Еқуб Алиев маҳалла кўмитасининг раиси, район Кенгашининг депутати Т. Толибназаров, — ташаббус моҳияти ҳақида аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бордик. Кейин, маҳалламизнинг ўз хусусиятидан келиб чиққан ҳолда тadbирлар ишлаб чиқдик. Маҳалламиз фуқароларидан А. Сотибоев ва А. Ҳозиевлар қиз узатишди. Тўй деярли ярим кунда ўтди. Пешинда элга ош бердик, кечкурун эса келин узатдик. «Қиз базми» деярли ўтказилмади. Турсун Пўлат Калонни келин туширди. Санъ

аткорларнинг чиқишида миллийликка эътибор берилди. Тўйни роппа-роса 23,00 да ёпдик. Саруполарни меъеридан оширмаслик учун хотин-қизлар кенгашининг раиси, З. Дўстмухамедова бошчилигида фаол аёллар иш олиб боришмоқда.

Шунга ўхшаш тadbирлар райондаги 35 та маҳалланинг ҳар бирида олиб боришмоқда. Янгиобод даҳасидаги «Тарнов боши» маҳалласида ўтган тўйлар ҳам ҳар жиҳатдан ўрнатилди. Масалан, Т. Ишматов, М. Аҳмедовлар хонадонидан қиз чиқарилди ва ўғил уйлантирилди. Фаолларнинг ҳамжиҳатлиги тўғрисида томонлар тезда келишишди, қудалар маҳалла катталарининг барча кўрсатмаларидан ташқарида чиқмасликка ҳаракат қилишди. Оқибатда саруполарни жамлашдан тортиб, тўйнинг бадий қисмига ҳам келишиб олинди. Кўмита раиси Қ. Эрматов, Н. Расулов, С. Довудов, Ж. Зоиров ва Х. Қурбонов каби фаоллар кўмагида тўйларни ҳақиқий одоб-ахлоқ, нафосат оқшомига айлантириб бормоқда. Шунингдек, районимиздаги Зебо Шамсиддинова, Нодира номли «Бирлашган» ва «Донишманд» маҳаллаларида олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовордир. Ташаббус шаҳар бўйлаб қулоч ёзса яхши бўларди.

Неъматжон ҲАСАНОВ, Ҳамза район маҳаллалар ишлари мувофиқлаштириш Кенгашининг раиси, шаҳар Кенгашининг депутати.



Назира Тожиёва тери-мўйна заводининг энг моҳир чеварларидан бири ҳисобланади. Белгиланган ойлик режаларни ортига билан адо этаётган бу ишчи

донмо буюртмаларининг сифатли бўлишига эришмоқда.
СУРАТДА: Н. Тожиёва иш устида.
Ҳажим Солиҳов сурати.

ТУРМУШ ТИЗГИНИ ҚЎЛИМИЗДА

АЛ-ХОРАЗМИЙ даҳасига йўлимиз тушган эди. Кўп қаватли уй олдидаги мўъжизгина мейдонча сим тўр билан ўраб қўйилди. Яқинроқ бориб қарасак турли полиз маҳсулотлари етиштирилётган экан. Қойил-е, ким хоҳласа имконият топади, деганлари шу бўлса керак-да.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида турмушимизда ниҳоятда муаммолар кўпайиб кетди. Бунини муҳарририятга келаётган хатлар мазмунидан ҳам билсак бўлади. «Яқинда радио орқали бир ахборотни эшитиб қолдим, — деб ёзди

Тошкент шаҳридаги «Тахиятош» кўчасида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийси К. Холматов. — Рейд бригадаси аъзолари пойтахтимиздаги дўконлардан бирининг омборини очиб қарашса кир совунлар уюлиб ётган эмиш. Улар узоқ вақт сақланётгани тўғрисида қўлга олишганда майдаланиб кета бошлабди. Сифати бузилган экан. Бундай аҳвол бошқа дўконларда ҳам учрайди. Инсофсизлик шу даражадаки, халқимизга керакли моллар омборларда чириб кетса ҳам вақтида тарқатилмайди. Киров районидаги Жомий

маҳалласи аҳли, С. Раҳимов районидаги Сағбон кўчасида яшовчи Д. Юнусовлар ҳам телон билан бериладиган озиқ-овқатларни дўконлардан ўз рақтида олишолмаётгани ҳақида шикоят қилишган.

Шу ўринда бир фикрни ўртага ташламоқчимиз. Маҳаллаларда назорат комиссиялари тузилиб, дўконлардаги таъминот масаласини мунтазам текшириб борилса яхши бўларди. Бу вазифани кўмиталар ўз қўлларига олсаларгина ижобий натижаларга эришиш мумкин, деб уйлаймиз.
Шавкат САЪДИЕВ.

Раҳмдил ва мурувватли бўлайлик


ЧОЙХОНАДА БЕПУЛ ТУШЛИК

МАҲАЛЛАМИЗДА кўзи ожизланиб қолган кексалар ва шахсий пенсионерлар 20-25 кишини ташкил қилади. Отагонлар чойхонасида улар учун ҳар кун пулсиз тушлик тайёрланиш йўлга қўйилди. Таомларни пенсионер Йўлдошбой Мусоев бошлиқ ошпазлар тайёрлашмоқда. Бошқа ёшларимиз эса хизматда.

Отагонлар таомни тановул қилгач, чой ичиб ширин суҳбат қуришади. Улар ўртасида гийбат, нолишлар йўқ. Бунинг бониси маҳалламизда ҳамма нарса етарли, шароит тўқис яратилган. Нон дўконидан 1 сўмга 10 донга нон олиш мумкин. Бундан ташқари новвойхона ишлаб турибди. Маҳсулотлар сабзавот дўконидан харид қилинади.

Ашраф ҚУРБОНОВ,

Собир Раҳимов район, «Мевазор» маҳалласи қариялар маҳаббатчиси, шахсий пенсионер.



Хушxabарлар

«ШОДЛИК»ДАГИ УЧРАШУВ

ТАНИҚЛИ ҳуқуқшунос, Тошкент шаҳар Кенгашининг депутати Маҳфузаҳон Файзуллаева яқинда Акмал Икромов районидаги «Шодлик» маҳалласи аҳли билан учрашди. У ёш оналар, кўп болали оналар, уруш ва меҳнат фахрийларига ҳуқуқматимиз томонидан яратилаётган имтиёзлар ҳамда янгиликлар ҳақида гапириб берди. Шунингдек, кўплаб саволларга жавоб қайтарди. Учрашув сўнггида Абдулла Қаҳҳор номидаги маданият уйи санъаткорлари катта концерт дастури намойиш этишди.

Забихилла МУҲАММАДЖОНОВ, ЖАМГАРМА ҚИММАТИ СЕРГЕЛИ райондаги «Ерқин ҳаёт» маҳалласида истиқомат қилаётган ўсмирларнинг бўш вақтини қизиқари ташкил этиш мақсадида клуб кўринишидаги бинони тиклашга киришилди. Уни бунёд этишда ишлатиладиган қурилиш материаллари учун 1 мннг 700 сўм пул ажратилди.

Бу маблағ райондаги «Ёшлар жамғармаси» томонидан маҳаллага ёрдам тариқасида берилди.

Саодат ОДИЛОВА.

Ваколат

ИШДА ТОЛМАНГ, ТОЛМАС АКА!

ДЕПУТАТ — халқ вакили, яъни халқ дарду ғамига шерик, унинг муаммоларини ҳал қилишда бевосита масъул киши, халқнинг ишонган таянчлари деб биламан. Куйида ҳикоя қилмоқчи бўлган депутатимиз шаҳримизнинг Октябрь районидаги шаҳар Кенгашига депутат қилиб сайланган «Тоштранс» иктисослашган қурилиш корхонасининг бош муҳандиси Толмас Ботирович Дўстбоев ҳам ана шундай жонқуярлардан бири. У билан суҳбатимиз асосан депутатнинг ўз номзоди кўрсатилган ҳудуддаги, яъни райондаги «Илғор» ҳамда «Янги шаҳар» маҳаллалари аҳолиси томонидан берилган топшириқларнинг қай тарзда бажарилаётгани хусусида бўлди.



ласига кирди. «Илғор» маҳалласидаги Боғкўча, Эркин, Маориф ва Алоқа кўчаларини тuzатиш, уларни канализациялаштириш режаси бор.

Яна бир муаммоли масала, бу — Кўкча мавзесидан то тикувчилик корхонаси профилакторийсигача бўлган 600 метр узунликдаги ариқни бетонлаштириш ишини ҳам тезроқ ҳал этишимиз зарур.

Учала маҳаллада айниқса «Янги шаҳар» ва «Қизил Шарқ» маҳаллаларидаги кўчаларнинг 1956 йилда тортилган ёритгич узатмалари (линиялари) эскириб кетган. Шу сабабли уларни янгилари билан алмаштириш режаси ҳам шу йилга мўлжалланган. Уларни бажаришга йил бошидан оқ киришилган.

Юқорида айтганимдек, депутатнинг бир ўзи бу ишларни удаллаши қийин. Мен ҳамisha, ҳар бир ишда маҳалла оқсоқолларининг, кўмита раисларининг бой ҳаётий тажрибаларига суянман, улар билан ўзаро ҳамкорликда ишлаб, сайловчилар топширигини биргаликда бажаришга интиламан.

Шунингдек, биз депутатларга халқ нақазларини бажаришда юқори ташкилот раҳбарлари, масъул кишилар ҳам яқиндан кўмак берсалар, ҳар бир ишга масъулият ва жонқуярлик билан ёндошсалар айни муддао бўларди.

Депутат билан суҳбатимиз ниҳоясида «Илғор» ва «Янги шаҳар» маҳалласи кўмита раислари ҳам суҳбатга қўшилиб маҳаллалардаги йиғилиб қолган муаммоларнинг бир қисми депутат томонидан муваффақиятли ҳал этилаётганини алоҳида таъкидлашди. Шу билан бирга айрим кўчаларда баъзи бир шахслар кўпчилик хоҳишига қарши чиқиб, канализация, ирригация

шоҳобчаларини ўз вақтида қуриб тугаллаш каби муҳим масалаларнинг ҳал этилишига тўсқинлик қилишга тўғри келган ишлар бир оз чўзилиб кетганини ҳам айтиб ўтишди. Жумладан, 1990 йил Боғкўчада бошланган қувур ўтказиш иши мўлжалдаги кунда бажарилмади. Сабаби, Қори Екубов кўчасида яшовчи айрим хонадон эгалари ўз уйларида қувур ўтказишдан экан, шу босқинда кўчаларимиздан қувур ўтказмаймиз деб туриб олишди. Шу тўғрисида Боғкўчанинг канализацияси белгиланган фурсатда тугатилмай қолди.

— Маҳалламизда очиги, муаммоли масалалар анча, — дейди «Илғор» маҳалла кўмитаси раиси, 76 ёшли отахон Ҳошим ота Алимов суҳбат чоғида. — Депутатимизга раҳмат, ишларимизни бир қадар енгиллатишга ёрдам кўрсатди. Кўчаларимиз обод, уйлариимиз газлашиб, саранжом-сарништа бўлди. Бироқ районнинг бошқа маҳаллаларида ҳам ташкиллик суви кирмаган хонадонлар ҳам бор. Толмасжон энди шу муаммоларни ҳам ечиш учун елиб-югураётти.

Суҳбатимиз сўнгиде депутат кўлидаги дастур билан танишдик. Ундан келгусида Октябрь районининг барча маҳаллаларни тўла газлаштириш, кўчаларни асфальтлаш, уйлари телефонилаштириш, маҳаллаларда сартарошхона, рўзнома-жаридалар сотиладиган дўконлар ташкил қилиш, чиқиндилар йиғиладиган махсус яшиқлар ўрнатиб, уларнинг белгиланган вақтда олиб кетилишини йўлга қўйиш каби бир қатор режалар ўрин олган.

— Бу ишларнинг ҳаммаси кечиктириб бўлмайдиган, ҳал этилиши зарур масалалар, — дейди депутат. — Бинобарин, биз бу ишда ҳам ана маҳалланинг ўзига, унинг етакчиларига таянамиз.

Ҳа, депутат ҳақ. Зеро, халқимизнинг куч — бирликда, деган ажойиб нақли бор. Ҳамкорликда ҳаракат қилиб, яқин келажакда бу ишлар ҳам ўз ечимини топишига шубҳа йўқ.

Биз депутат билан хайрлашар эканмиз, Толмас ака Дўстбоевнинг пенсияда бўлсада, халқ иши учун қуонаётганини кўриб, унга ишда толманг, Толмас ака, дея тилак билдирдик.

Юнус МАҲМЕДОВ. СУРАТДА: депутат Толмас Дўстбоев.

Кўпнинг кенгашига

ҚўШНИ ЭШИК КЕРАКМИ?

МАҲАЛЛАЛАРГА борганимда қўшнилар муносабатини кузатаман. Илгари одат тусига кирган қўшни эшик бизнинг давримизда нега бунчалик камайиб кетди экан? Истасам-истасам шу ҳақда ўйлашга мажбур бўламан.

Кенсаларимиз яхши билишади. Орамизда қўшни эшик қуриб, рўшнолик кўрмаганлар оами. Бегона тугул, ҳатто туғишганлар ҳам гоҳ беркитиб, гоҳ очиб қўйишади. Қўнлаб қариндош-уруғлар ва қўни-қўшнилар эса қўшни эшиксиз яшаб келишаёти.


Сабабини одамлардан суриштираман. Юздан ошган отахон шундай дедилар: «Қишлоқ жойлардаги хонадонларнинг ҳар тарафи очиқ, қўшнилар бир-бирларини кўргилари келса тўғри чиқаверишади. Шаҳар шароитида эса фақат эшикдан кирилади. Шундай экан шу ҳақда ўйлаб кўриш керак.

Бу ҳақ гап, Аммо қўшни эшик қўшничиликдан ҳам далил. У бор экан доимо кўнглимиз тўқ. Узоқроқ жойга меҳмондорчиликка борсанг уйни қўшнига ишониб бемалол юрверасан, киши. Қўшни эшик тўй-ҳашам, айниқса бошинг ёстиққа текканда жуда зарур. А. Икромов районидаги Абдулхай Тожиев маҳалла кўмитасининг раиси Шукур Темуров бир нарсани гапириб берган эдилар. Америка Қўшма Штатларининг Эдмонтон шаҳри маҳаллаларида яшовчи аҳоли жуда иноқ экан. Бирор жойга кетаётганда қўшнига уйнинг калити бериб кетиларкан. У кириб гулларга сув қуяди, керак бўлса йиғиштириб ҳам қуяди...

Менимча, қўшни эшикдан воз кечиб бўлмайди. Шундай қилсан асрий урф-одатларимиз, ақиллигимиз, миллий қадриятларимиз илдирига ўзимиз болта урган бўлмаймизми? Қани энди барча хонадонларда қўшни эшик бўлса-ю фақат феълимиз кенг бўлиб, инсоф, диёнат ва покчилигимиз йўқолмаса. Сиз бунга нима дейсиз азиз маҳалладорлар?

Маҳмуд АҲМЕДОВ,

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг катта илмий ходими.



Маҳаллаларда яшаётган болалар таътил дамларини кўнглили ўтказиш учун ўз «режаларини» тузиб олган. Уларнинг кўпчилиги даҳалардаги сув ҳавзаларида чўмилиб, ёз гаштини суришмоқда.

Сураткаш Равиль Альбеков ана шундай манзаралардан бирини суратга тушириб қайтди.

Ризқ-рўзимиз ҳақида мулоҳазалар



Қотган нон

БУГУНГИ бозор иқтисодиёти келтириб чиқараётган қийинчиликлар деганда ноннинг исроф бўлаётганини кўриб ҳайрон бўласан киши. Мен кўпроқ ёшлардан эмас, ҳаётнинг аччиқ-чуққини кўрган, очарчилик ва қийинчиликларни бошидан кечирган катталар ва кенсаларнинг ҳаёт-ҳаракатларидан ранжийман. Шундай кишилар бор орамизда. Улар нон исроф қилинаётганини кўра билла туриб бундай аҳволга бефарқ муносабатда бўлишяпти.

Танамизга бир ўйлаб кўрайлик. Ахир тўй ва бошқа маросимларда нонларни «Нон сиздан азизми», дея бурдалаб ташлаётган ёшлар эмаску. Минглаб нон ёптириб, тугунларга 10-14 талаб тугаётганлар-чи? Ҳар қандай катта йиғинга 100-150 дон

ноқ кетгани ҳолда тандир-тандир нон ёптираётганимизни қандай изоҳлаш мумкин? Туппа-тузук кишилар оғизда «нон азиз» деб, амалда тескарсини қилишяпти. Ёшлар эса улардан ўрнак олмақдалар.

Нонни увол қилмаслик ҳақида гапирсангиз баъзилар «одат, таомил», деб баҳона кўрсатишади. Бундай лоқайдликка кўмита раислари, оқсоқоллар кескин зарба беришлари керак, деб ўйлайман.

Маҳалламизда Роби буви Иброҳимова, Қарима буви Салимова, Салим бува Алимовлар яшаб ўтишган. Булар юз ёшдан ортқ умр кўрганлар. Улар ҳаётлигида ота-оналаримиз, қисман ўзимизнинг гувоҳчилигимизда қотган нонни чойда ёки суюқ овқатда ивтиб ейишган. Бу юмшоқ нон йўқлигидан эмас, албатта. Балхи унинг исроф бўлишига йўл қўйишмаганлигидан. Биз ҳам авлод-аждодларимиз анъаналарини давом эттирсак яхши бўларди.

Саъдулла СУЛТОНОВ.

Тандирда қут-барака бор

УЛКАМИЗНИНГ қаерида бўлмайлик, албатта тандирларга кўзимиз тушади. У кишининг хонадониде бор экан, кўнги тўқ, маъмурчиликдан дарак бериб туради. Тандир қадим замондан шу кунларгача қадрланиб келинган рўзгор буюми бўлиб, халққа хўшмат қилиб келаяпти. Ундан ҳар қанча фахрлансан арзийди. Фалон новвой, фалон тандирчи деган ёқимли номлар ҳам қўлоққа тез-тез челиниб турибди. Кўплар новвойлик касбини эгаллашган. Нон ёпишни билмайдиган кам топилади. Шаҳар жойларида дўкон ва новвойхоналар сероб бўлганидан вақтни тежаб, бир қатор оилалар тайёр нонлардан олишса, қишлоқ жойларида уй бекаси бирор кун нон ёпмаса кўнгли тинчмайди. Кечасими, эрта тундами нон ёпишга улгуради. «Барака—

нонни сотиб олишда эмас, ўзи ёпишда», дейишади улар.

Турли хил тандирларни, новвойхона, тандир ясаш жойларини кўрганимда дилим ёришади, арзончиликни ҳис этаман.

Оиламиз, қўни-қўшнилар илгари тандир сотиб олишганини кам эслайман. Ҳамма ўзи ясарди. Бир-биримизга қарашворардик. Ер тандир, девор тандирлар қуриш одат тусига кирганидан бошқа, кимнинг уйда эски хумлар бўлса яхши, чидамли тандир чиқадидеб, фойдаланиларди. Урф-одатимизга кўра секин-аста қиздирилган тандирга ёғлиқ патирлар ёпиларди.

Ойим ҳар сафар тандирдан узилган қайноқ нонни челақдаги муздек сувга ботириб еб, бизгям улашиб: «Шунақаси танга шифо, дармонсизга-дармон беради», дердилар. Баъзида оққан нон бўлса уни ҳам исроф қилмай, севатга қўядилар. Биз эса талашиб, қулларни пуфлаб ердик.

Хонадонларимизда бўрсилдоқ нонлар ёпилаётганини кўрсан шулар ёдимга тушади. Ризқ-рўзимизни таъминлаётган тандирлар ота-боболаримиздан ажойиб мерос бўлиб қолганига шукроналар айтаман.

Муяссар ШОҲУБОВА.



ҚАЙСИ жамоада аёлларга ғамхўрлик яхши бўлса онлада тотувлик ҳукм суради, фарзандлар бахтиёр камол топишади. Бу оддий ҳаёт ҳақиқатини Зайниддин ана ўз тажрибаси, кузатувлари орқали яна бир бор исботламоқда.

Ҳозирги кунда Зайниддин ана Нуриддинов раҳбарлик қилаётган Охунбобоев номли маҳаллада 743 нафар аёллар истиқомат қилишади. Хотин-қизлар кенгаши йиллик режа белгилаётган пайтда кўпроқ кенса онахонларнинг дам олиши, ибратли хонадонларни рағбатлантириш, саёҳатлар, қайнона-келиндар учрашувларини ташкил этишга эътиборни қаратаётган. Кенгаш раиси, «Ўқитувчи-91» республика танловининг ғолиби Наима Имомова бундай вазифаларни амалга ошириш учун бор куч-қайратини аямаситир. Унга 8 нафар фаоллар яқиндан ёрдам беришарди.

Наймахон бўш вақт топди дегунча елиб-югуради, жуда ҳаракатчан, аёлларнинг яқин маслаҳаттўйи, ёр-

дамчиси, — деди Зайниддин ана биз билан суҳбатда. — Бундан тўрт йил илгари идорада суҳбатлашиб ўтирган эдик, бир фикр чиқиб қолди. Намунали оилалар танловини эълон қилсак қандай бўларкин? «Маъқул гап, — деди ранса, — эртагаёқ фаоллар билан кенгашиб, шартларини ишлаб чиқамиз». Шундан бери маҳалламизда ҳар йили танлов ўтказилади.

Маҳалла аҳли, қўни-қўшинлар ва қудалар билан яхши муомалада бўлиш; ҳовли ва кўча тозаллигига эришиш; фарзандлар ўқиш ва ишда интизомли, ахлоқ-одобли бўлиши; хонадон маҳалла ишларида фаол қатнашиши... Шунга ўхшаш саккиз шартли бажарган онлагина фахрли ўринни эгаллаши мумкин. 1988 йилда танловда иштирок этган 170 хонадондан 12 таси намунали деб топилди. Келгуси йили бунга 20 та, 1990 йилда эса 19 та онла қўшилди. Яна бир томони борки, агар келгусида шартлардан бирортаси бажарилмай қолса хонадон ўз-ўзидан танловдан чиқариб

Ўрناق олса
арзийди

**ФАОЛЛАРГА
ТАЯНИБ**

юборилади. Ҳозирги кунда Охунбобоев кўчасида истиқомат қилаётган Мухтор Набиев, Энгельс кўчасидан Турди Имомалнева, Рихсвой Қосимов, Маркс кўчасидан Мўмин Абдуалимов каби онла бошлиқлари фарзанд тарбияси, рўзгор юритиш, қўни-қўшинчилик ва бошқа жиҳатлари билан бошқаларга ўрناق бўлишарди.

Қўмита жойлашган бино уч хонадан иборат. Шулардан бири аёллар учун ажратиб берилиб, дам олиш хонасига айлантирилган. Бу ерда радио, телевизор бор, стол-стуллар қўйилган, хоҳлаганча маданий ҳордиқ чиқариб, гурунглашиш мумкин. Намунали оилаларнинг суратлари ўрни олган кўрғазма ҳамда альбом билан танишган киши эса саёҳат ва учрашувларнинг гувоҳи бўлади.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш зарур. Ҳар йили маҳалла аёллари республикамизнинг турли шаҳарларида саёҳат уюштиришарди. Улар Самарқанд, Бухоро, Фарғона водийсида



бўлишиб, тарихий жойларни томоша қилдилар. 40 нафар аёл Чирчиқ шаҳридаги дам олиш зонасида ҳордиқ чиқариб қайтди. Бу йил март ойида эса маҳаллада навоий-хонлик кечаси ўтказилиб, сўнгра йиғилганлар Тошкент шаҳридаги Навоий номи билан боғлиқ бўлган жойларга боришди. Автобусда кетаётганда эса шонр газаларидан намуналар ўқиб, қўшиқлар айташди.

Аёллар ҳаётида бундай эда қоларли дамлар талайгина. Маҳаллада «Нафосат» клуби фаолият кўрсатмоқда. Намунали қайнона-келиндар, кўп болали оналар билан учрашувлар уюштирилади, клубда ўсмирларни Армия сафига кузатув, никоҳ кечасида ёш келин-куёвларга «Ойла» китоби совға қилинаётгани ва шунга ўхшаш тадбирлар онлаги мустаҳкамлаш, хонадонларда ҳам жиҳатлики таъминлаш, энг муҳими, одамларда меҳр-муруват туйғуларини шакллантиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Кенса ўқитувчи Зайниддин

ана Нуриддинов аёлларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича катта тажриба тўплаган. Шу боис ҳам ўтган йили райондаги барча маҳалла қўмиталарининг раислари, шунингдек, вилоятдаги районлардан вакиллар ташриф буюриб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашни илтимос қилишди. Ўз навбатида қўмита раиси фаоллар, Калинин қишлоқ Кенгаши хотин-қизлар кенгашининг раиси М. Маннопова ва Тошкент район партия комитетининг котиби Х. Сайдалиеванинг йўл-йўриқларига таянмоқда.

Маҳаллада ҳар ойда мунтазам чиқарилаётган «Маҳалла ҳақиқати» деворий рўзномаси ҳам хотин-қизлар фаолияти ва турмуш тарзини ёритишга катта эътибор бераётган.

Саъдулла ШОДИЕВ.

● СУРАТЛАРДА: Охунбобоев маҳалласи аёллари ҳаётидан лавҳалар акс эттирилган.

Зухриддин Зайниддинов суратлари.

ПУЧУҚ ХОТИН

Ҳикоят

ҚАДИМ замонда бир йигитнинг пучуқ хотини бор экан. Уртоқлари йигитни ҳар кўрганда: «Ана, пучуқнинг эри келаяпти», деб устидан кулишаркан. Уларнинг хотинлари бир-бирдан гўзал бўлиб, яхши еб, яхши кийиб, қимматбаҳо зеб-зийнатлар тақиб юришар, оромгоҳларда сайр этишарди.

Йигитнинг хотини пучуқ бўлса-да, сабр-қаноатли, тежамкор, меҳнатсевар, саранжом-сариптали эди. Чеварлиги ва пазандалигини қўни-қўшни, маҳалладагилар доимо мақташарди. Ибрат бўларли одатларидан яна бири — рўзгорга керакли ҳамма нарсаларни сира исроф қилмас эди.

Кутилмаганда юрда қаҳатчилик бошланиб қолибди. Уртоқларнинг толгани рўзгорга етмай, омадлари кетиб, кундан-кунга камбағаллаша бошлашибди. Охири хотинлари уларни ташлаб, бадавлат эр ахтаршига тушибдилар.

Йигит эса илгаригидек тўқ яшаётганидан ҳайрон бўлиб, бу сирни хотинидан сўрабди. Хотини уни ошхона ёнидаги ҳужрага бошлаб кириб хум, хумча, сопол кўзаларда сақланаётган лиммо-лим дон, қотган нон, гўшт-ёғларни бирма-бир кўрсатибди. «Хўжайин, — дебди у, — ортиб қолган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлатма, ташлаб юбор, деганингизда сизга билдирмасдан идишларга солиб қўярдим. Қаранг, улар айнимай, боягидек турибди».

Йигит ўзининг пучуқ эри ўртоқларининг гўзал бўлса ҳам бесаёр, бевафо хотинларидан чиройли, ақлли эканлигини эндигина пайқабди...

Аҳмаджон РАМАЗОНОВ.



Боғларда гул фасли. Рустам Шариев сурат-лавҳаси.

Унутилаётган
меросимиз

ХУРМАЧА

КўКЧА даҳасидаги қадимги бинолар бузилаётганида бир хурмача топиб олдик. Оддий лойдан пишириб, сополга айлантирилган бу буюм чўзиқ, икки томонида банди бор эди. Ҳозирги пайтда деярли кўринмай қолган бу кулолчилик санъатига боқиб, болалик пайтларимни эсладим.

Уйимизда тунуке йдишлар билан бир қаторда сополдан ишланганлари ҳам бўларди. Хурмачанинг ўзига хос жиҳатларини ўшанда кўрганман. Бу буюмга одатда қаттиқ ивтиларди. Ундаги ёғлиқ, чўчуқ каттиқдан кўп марта ичганмиз. Хурмачада айнимай, янгидек туреверадим.

Кулолчилик қадимий санъат. Эрамиздан олдин ҳам сопол идишлар яратилганлиги маълум. Шу жумладан, Тошкент шаҳри ўрнида жойлашган «Минг ўрик», «Шош тепа» деб номланган ҳудудларда одамлар кулол меҳнати билан шуғулланишган.

Аҳад МАҲМУДОВ.

Турмушда асқотади

ҚАТИҚ ИВИТИШ

СИГРИНИНГ сути қайнатилиб, кастриоль идиш ёки шиша банкаларга куйиб чиқилади. Сут илигунча кутулиб, юзидаги қаймоғини бузиб юбормаган ҳолда бир чеккасидан кичик қошиқда ярим қошиқ яхшилаб аталанган қаттиқ солинади. Шундан сўнг идишнинг атрофи яхшилаб ўраб қўйилиб, 12-14 соатлар чамаси кутулади. Қараб турибсизки, қаттиқ тайёр.

АЧЧИҚ ЧОЙ ДАМЛАШ

ЧОЙ дамлашдан аввал чойнак яхшилаб иссиқ сувда чаёйлади. Кейин бир неча дақиқа оловга қўйиб олиб, таъбингизга

қараб қуруқ чой солинади. Чойнак оловга қўйилиб, сув бир марта «милт» этиб қайнагунча кутиб турилади. Шундай қилинса чой яхши чиқади. Бу шифобахш ичимликни пиёлага қуйишдан олдин уч марта қайтариб юборишни унутманг.

ЯНГИ ШАФТОЛИДАН

ЮВИЛГАН шафтоли қайнаган сувга солинади. 2-3 дақиқадан кейин олиб, пўсти тозаланади ва мевалар иккига бўлиниб, данаги олиб ташланади. Кастриюлкага шакер солиниб 500 грамм шафтолига — 3/4 стакан қайноқ сув қўйилади, аралаштириб, ичига шафтоли солинган, қайнатиб олинади.

ТААЖЖУБ

ШУ ЙИЛ, 29 июнь кунини соат 15 да Киров районидagi 253-мактаб биносига 19-маъзадаги 34 та уй қўмиталарининг раислари йиғилишди. Шу дақиқаларда район ободонлаштириш бошқармаси, ҳарбий комиссариат, ички ишлар бўлими ва бошқа мутасадди идораларнинг вакиллари билан учрашув бўлиши кўзланган эди. Улар 30 киши бўлиб келишди. Аммо...

Район ободонлаштириш бошқармасининг бошлиғи Убайдуллоев негадир Юнусобод даҳасидаги аҳоли номидан одам кам йиғилганлигини рўжа қилган эди келганлар мактаб залини тарқ этишди. Уй қўмиталари раисларининг эса дарду хасратлари айтилмай, бўғизларнда қолди. Ваҳоланки, иккинчи соҳада талайгина муаммолар бор. Ахлатлар маъзедан ўз вақтида олиб кетилмайди, тунги ёриткичлар ёнмайди, 9, 10,

«Маҳалладош»га хат

11-уйларда яшаётган аҳоли томонидан қурилатган тўйхона учун гишт, ёғоч каби қурилиш материаллари керак, маъзада ишламай, бекор юрган ёшлар кўпчилигини ташкил этади... Айтаверсангиз уларнинг адоғи кўринмайди.

Балки учрашуга келган вакиллар шунча масалани ҳал қилишдан чўчиб, ҳайр-маъжурни насия қилишгандир. Бўлмаса маъзадаги 36 уй қўмитаси раисидан 34 таси ташриф буюрган бўлишига қаранмай етарли одам йиғилмади, деб жўнаворишгани, ҳатто учрашув кунини тайин қилишмаганини қандай тушуниш мумкин?

19-маъза аҳолиси номидан:
Носир ОРИФЖОНОВ,
Қобил УСМОНОВ,
Татьяна ЛАСКАРЕВА,
Жами 23 ИМЗО.

БУ ОДАМНИ фарзандлари «Дада» дейишади, бир этак неваралари эркаланиб «Ошпоқ дада», эвара-чеваралари «Бобо» дейишади. Маҳалланинг катта-кичиги эса «Отахон» дея қўлларини кўксига қўйишади. Доимо ҳаракатда, тиниб-тинчимас, тўқсон ёшни қаршилайётган бу оқсоқолни олтимиш минг аҳолиси бўлган «Янгибод» даҳасидагилар маҳалла-қўй отаси дейдилар. У кишининг бундай ҳурматга сазовор бўлиши бежиз эмас. Мен йигирма йилдан бери биламан. Ҳар учрашганимизда ўз-ўзидан қизгин суҳбат бошланиб кетади.

— Бобом тўғрида гапириб берақолай, — дейди ота-хон киёл истиҳола билан. — У оилавий шажарамизда катта ўрин тутди. Бундан уч йил илгари «Гулистон» ойномасининг 8-сонида сақланма ҳужжатлар асосида «Гурбатда Фурқат» деб номланган маҳола эълон қилинган эди. Унда бобом ҳақида қуйидаги сўзлар келтирилган: «1892 йил Тошкентда «Тошотар» воқеаси» деб номланган катта қўзғолон кўтарилган. Фурқатнинг энг яқин дўстларидан уч киши, яъни Иноғомхўжа, Аҳмадхўжа юзбони ва Шарифхўжа қозон қўзғолон раҳбарлари, халқни мустамлақачи маъмурларга қарши оёққа туртишган шахслар сифатида қамоққа олинганлар. Қўзғолоннинг фаол иштирокчиларидан Аҳ-

Ажойиб хамшахарларимиз

ОҚСОҚОЛ



мадхўжа осиб ўлдаришга, Иноғомхўжа 12 йил муддат билан Иркутский губернасига, Шарифхўжа ўғли эса қарилғи (у саксон ёшдан ошган ва ҳаста эди) сабабли уч йил муддат билан Астра-

хон губернасига сургун қилинган. Шу маънодан кўришиб турибдики, бобом исёнкор, ал учун қайғурадиган инсон бўлган. Отам ҳам у кишининг изидан борди. Бир қан-

ча вақт Паркент, Заркент қишлоқларида, Еттисой волостида қомсомол ва фирқа ишларида фаол меҳнат қилди. Сўнг мактабда таълим тарбия ишларига ўз ҳиссасини қўшди. Уни қайси лаво-

зимга тайинланмасин виждонан меҳнат қилди.

Ансэфхон ака билан суҳбатда бўлган киши камтарлиги, одамийлигига тан бермай иложи йўқ. «Бу хислат менга Акмал Икромовдан ўтган», дейди у фахрланиб. — Шундай инсон билан 1918 йил «Ўқчи» кўчасида ташкил этилган «Ватан» мактаби қошидаги «Ишчилар» уюшмасида учрашганман. У киши Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг, сўнгра Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаган кезларида ҳам тез-тез мулоқотда бўлиб турардик. Ҳатто 1929 йили Чимёнда бирга дам олганмиз».

Ансэфхон ака инқилоб туфайли у ниб-ўсанлардан. Одамлар бахти учун бор куч-гайратини аямади. Шу туфайли партиянинг назарига тушди, халқ уни эъзозлади. Ҳозир кўксини Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари беэаб турибди. Табаррук саксон ёшнинг бир эл бўлиб, ажойиб даврда нишонлади.

Отахон ҳамон тиниб-тинчимайди, доимо ҳаракатда. У маҳалла оқсоқоллар кенгашининг раиси, тўй ва маъракаларда яқин маслаҳатқўй.

Ҳасан НУЪМОҒОНОВ.
СУРАТДА: Ансэфхон ота Ашрафхон умир йўлдоши, фарзандлари ва неваралари даврасида.

Оила: у қандай бўлиши керак?

Ҳадемай рўзғорбоши бўласан, йигит

Шайх Саъдий айтди:

— Жуда ҳам очиқ юзди ва ширин сўзди бир йигит доимо бизнинг суҳбатимизда бўларди. Кулгидан унинг лаблари бир-бири билан қовушмас, юзиде ҳеч бир там ва ташвиш белгилари сезилмасди. Кейин у йигит йиғилишимизга келмай қолди. Орадан бир неча вақт ўтгандан сўнг у йигитга учрашиб қолдим, бир-биримиз билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашдик. У энди тамом бошқа ҳолга тушган эди. Лаблари бужмайган, гул юзи сўлғанди. Мен ҳайрон бўлиб: «Нега бу ҳолга тушдинг? Гул юзинг сўлган, лабларинг бужмайган ҳолда кўраман, сенда аввалгидек шодлик асарини кўрмайман», — дедим.

Йигит:

— Уйландим, бола-чақални бўлдим, рўзгор бошимга тушди. Энди болалик давридан ўтдим, — деб жавоб берди.

Аллома Шайх Саъдийнинг ушбу ҳикояти тарбия, айниқса оилада ўғил болаларга муносибат ҳақида мушоҳада юритишга қорлайди. Ўғил боланинг дунёга келиши ҳамisha ўзбек хонадонларига тақдорланмас шод-хуррамлик бахш этади. У воёга етаётган оиланинг гурури, файзи ўзгача бўлишини айтмай-сизми? Чиндан ҳам ўғил бола юртимизнинг келажиги, бўлағуси асар, сеvimли ёр, оила тебратувчи рўзгорбоши. Қолаверса, қиз боланинг бахти, ота-онанинг нексалик чоғидаги гашти-фароғати, десам ҳеч муболага бўлмайди.

Маъхур ҳофизнинг «Йигит омон бўлса...» деб бошланувчи кўшигини эшитмаган киши бўлмас керак. Йигит шуҳратини шу мисрада таърифлангандан орттириб мадҳ этиш мушкул, албатта. Лекин кўшиқда қуйлангандек йигит бўлиши учун унга ёшлигидан ҳаётнинг иқтисодий томонларини ўргатиш, билганини кучга тўлдириб, камол топтириш биз, ота-оналарнинг бурчимиздир.

Қадимий ахлоқ-одобга онд адабиётларнинг барчасида ўғил бола тимсолида аввало рўзгор тебратувчи кўникмаларини ёшлигидан сингдиришга эътибор берилгани тасодиф эмас. Оилалардаги фаровонлик, тотувликнинг боши эркак кишининг омилкорлиги ва барча рўзгор ишлари, пул муносибатларига бошчилик қилишида бўлган. Албатта ота ҳам бундай ишончини сунистеъмол қилмаган. Топган пулни ичиб қўйиш, маишатга сарфлаб юбориш ҳоллари кейинчалик пайдо бўлди, халқимизда. Ҳозир ҳам болага ҳукумат томонидан тўланаётган

нафақа ва товон пулларини турли-туман ялтироқ кийимлар, меҳмондорчиликка сарфлаётган ота-оналар йўқ эмас. Бу маблағлар болага унинг емиши ва кийим-кечаги учун берилаётганини унутмаслигимиз зарур.

Айтадиларки, ўртак кўрсатиш, отани болага, анани укаларига ибратли бўлиши тарбиянинг боши. Шарқда ўртак кўрсатиб бажариладиган юмушлар талайгина. Авлодларимиз турли усулларни қўллаб, ўғил тарбиялаганлар. Ҳеч эътибор берганмисиз, бозор-ўчарга борган отанинг ёнида 13-16 ёшлардаги болалар юрса қандай чиройли кўринади. Гарчанд, бу оддий ҳол бўлса-да, лекин тарбияда ўта керакли, ибрат бўлгуси рўзгорбоши учун ўзига хос мактаб бўлиб хизмат қилади. Қолаверса, қилинган рўзгор харжларини бола терлаб, азият чекиб уйига олиб келса, ота-онанинг қадрига кўпроқ етади, ноз-неъматлар уволдан қўрқадди. Афсуски, қўллаб катталаримиз болаларини аяшиб, бундай юмушларга аралаштиришмайди. Ўғил болаларга мустақил бозор қилишга руҳсат беришнинг тарбиявий аҳамияти жуда катталигини тушуниш керак. Майли, бир марта кўнгилдагидек харж бўлмасин, иккинчи мартасида сифатига адашсин, лекин кейингиларида пишиқ-пухта бўлади, ўрганади. Бозор муносибатлари, нархга қайишиш, тежамкорлик, сифатга эътиборни шу ёшдан ўрганмаса, қачон ўрганади? Мен ўғлини уйлантириб қўйиб ҳам рўзгорини ўзи қилиб берадиган қўллаб ота-оналарни биламан.

Оилаларимиз серфарзанд болажон. Ота-она ўз зурриёти ҳар томонлама етук бўлиши учун қайғуради. Оила иқтисодиётида ердамчи хўжалик ва бозор қилиш шубҳасиз муҳим роль ўйнайди. Илгари маҳалла хонадонларини бу икки жиҳатсиз тасаввур этиб бўлмасди. Кейинчалик кўпроқ тайёрига ўрганиш, истеъмолчилик ва болалардаги ҳавойи гарбоя туфайли булар секин-аста йўқолиб борди. Бозордаги қимматчилик бизни яна бу масалаларга қайтишга мажбур қилмоқда.

Агар тadbиркор бўлиб, тўғри тарбия асосида ўғил ўстирсак, Шайх Саъдий ҳазратлари айтганларидек ўғил гарданига рўзгорнинг оғир халтаси илгинач, гул юзи сўлиб, лаблари бужмаймайди. Балки, ота ўргатган омилларга таяниб ҳаёт лаззатини тотаверади.

Бахтиёр КАРИМОВ,
муаллим.

Кулги—хушқачқаклар мулки

КЎЗБЎЯМАЧИМИ ЁКИ...

Айтаверсам, катта савдо бўлади,
(Шошманг-чи ўзимча чамалаб олай),
Бировни айтсам ивго бўлади,
Ўзимдан мисолни келтира қолай:
Масалан, хотиним кўз бўямачи,
Қошин ҳам бўяйди — хуллас ўзини...
Уни не аташмас — кўз бўямачи?!
Кўрмаслар шекилли кўзини!
Ростда, оқ сочини — қора кўрсатар,
Йўқ киприк ўрнида сурма тортилган.
Бекор кузатман қанча фурсатлар...
Зиммамга шу йўсин ташвиш ортилган.
Заҳар туюлади гар ҳаво ютсам,
Қандайин тушунсам экан бу ёгин.
Кўзбўямачи, дерлар еллаким ўтса,
Кўрмадим кўзида зарра бўёгини!
Аммо у кўз бўяр, дейдилар қатъий,
Ҳатто кўлга тушди дейдилар кеча,
Уларни танимай бошларим қотди,
Чалкаш жумбоғимни қандайин ечай?
Кўзингни бўймай ҳар бало бўлгур,
Ким экан у аёлми, эркак,
Менинг хотиним ҳам мане беш йилдир,
Кўзин бўяб қолди, турман сергак!
Е ўзим айтмайми отини,
Эшик пойлай-пойлай умри пайхонман.
Роса беш йил бўлди, бизнинг хотинни
Кўлга олишмайди... ҳайронман!

САИЕР.

Тоживой тажанг
шахар кезади

«Асаббузарлар дастидан дод!..»

ЖИЯНИМНИ бир кўриб кетай деб, Иброҳим ота маҳалласига борган эдим. Қайтайтиб Шу милов темир йўл станцияси бекети олдида 159-йўналишдаги автобусни кутиб қолишга тўғри келди. Бир пайт темир йўл бўйлаб бораётган поезд бизнинг олдимиздан ўтаётганда қаттиқ гудок чалиб юборса бўладими. Боласини эмизиб ўтирган еёл чўчиб тушиб, гўдагини қўлидан ташлаб юборай деди. Енимда турган мўйсафид «аста-тафурулло», деб қўйди.


— Ҳер доим шундай аҳволми, отахон, — сўрайман у кишидан.

— Нимасини айтмайиним, ҳатто тунда ҳам тинчлик беришмайди. Худди атайлаб қилаётгандек паровоз ҳайдовчилар ёки пўлат ишларни созлаб юрган темирйўлчилар маҳалламизга етганде кучли овоз чиқарувчи сигнал беришади.



Аслиде жамоат жойларида бундай қилиш таъқиқланган. Наҳотки белгиланган тартиб-қоидадан темирйўлчиларнинг хабари бўлмаса? С. Раҳимов райинжроқумидаги мутасадди ўртоқлар маҳалла аҳолисини бу асаббузарлардан нега ҳимоя қилишмайди? Нордон гапларимни уларнинг ўзига айтиш мақсадида автобус кутишга ҳам сабрим чидамай, шахдам қадамлар билан юриб кетдим...

Тоживой акага Маҳкам ҲАКИМОВ ҳамроҳ бўлди.



ГАЗЕТА ТАШКЕНТСКОГО ГОРОДСКОГО СОВЕТА
ПО КООРДИНАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАХАЛЛА.

МАНИЯТГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32-уй, Телефонлар 32-33-66, 33-69-42, 32-54-15.

ЖАМОАТЧИЛИК
ТАХРИР ҲАМЪАТИ.